

ШАРҚ ВА ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИ МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА

Юсупов Аъзамжон Абдулладжанович,
ФарПИ, Ижтимоий фанлар ва спорт
кафедраси доценти в.в.б., т.ф.б.ф.д, PhD,

Аннотация: мақола шарқ мутафаккирларининг жамиятда меҳнат тарбиясига оид қарашларига ва бу қарашларнинг бугунги кун учун алоҳида аҳамияти масалаларига қаратилган

Калит сўзлар: Шарқ, жадид, мутафаккир, меҳнат тарбияси, Кайковус, Абу Наср Ал Фаробий, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий

ВОСТОЧНЫЕ И ДЖАДИДСКИЕ МЫСЛITELI O TРUDOVOM VOSPITANII

Юсупов Азамжон Абдулладжанович,
ФарПИ, и.о. доцента кафедры
“Общественных наук и спорта, PhD,

Аннотация: статья посвящена взглядам восточных мыслителей на трудовое воспитание в обществе и особой значимости этих взглядов на сегодняшний день.

Ключевые слова: Восток, джадид, мыслитель, трудовое воспитание, Кайковус, Абу Наср Аль Фараби, Абу Райхан Беруни, Маҳмуд Кашгари, Юсуф Хос Ҳаджиб, Алишер Навои, Абдураҳман Джами.

EASTERN AND DJADID THINKERS ON LABOR EDUCATION

Yusupov Azamjon Abdulladjanovich,
FarPI, associate professor of the Department
of Social Sciences and Sports, Ph.D.,

Annotation: the article is focused on the views of eastern thinkers on labor education in society and the special importance of these views for today

Key words: East, contemporary, thinker, labor training, Kaikovus, Abu Nasr Al Farabi, Abu Rayhan Beruni, Mahmud Kashgari, Yusuf Khos Hajib, Alisher Navoi, Abdurakhman Jami

Инсоният ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган таълим-тарбия тарихига эътибор қилинса, дастлабки ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, буюк мутафаккирлар ижодигача ёшларни меҳнатсевар бўлиб етишиши, касб-хунар ўрганиши, меҳнат аҳлини ҳурмат қилиши ҳамда меҳнат инсонни улуғлаши масалаларига алоҳида эътибор берилганлигига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, қадимдан шарқ ҳалқлари дунёқарашларида фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, жамиятда яхши тарбия кўрган инсон ҳар тарафлама улуғланган, ўзи яшаган муҳитда унинг ҳаёт йўли бошқалар учун намуна сифатида эътироф этилиб, у шахсий ҳаёти давомида ўз

мехнатига яраша мартабага эришган. Ёшлик даврларидан бошлаб бундай тарбияни шахсан бошларидан кечирган кўплаб шарқ алломалари ўз даврида болага меҳнат тарбияси бериш ва касб-хунарга ўргатиш бўйича фикрларини баён этганлар.

Мақола шарқ мутафаккирларидан Кайковус, Абу Наср Ал Фаробий, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийларнинг асарларида фарзандларга меҳнат тарбияси бериш ва хунарли қилишга ўргатиш бўйича қарашларининг талқинига қаратилган.

Буни биз турли даврларда яратилган маърифий-ахлоқий асарлар ва ҳалқ оғзаки ижоди намуналари – топишмоқ, қўшиқ, масал, мақол, эртак ва достонларни ўзлаштирганимизда меҳнат ва касб-хунар одоби ва қоидаларини ўзлаштириш муҳим ҳаётий зарурият эканлигига гувоҳ бўламиз.

Илк ёзма манба ҳисобланган «Авесто», Кайковуснинг «Қобуснома», Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри», Абу Райхон Берунийнинг «Геодезия», «Минерология», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» каби асарлари, Алишер Навоий ижодининг қўплаб жиҳатлари ва шу каби маърифий-мероснинг бошқа намуналарида меҳнатсеварлик, касб-хунарнинг аҳамияти ҳақида муҳим фикрлар баён этилган.

Фаробийнинг ўз даври учун катта хизматларидан бири шундаки, у кишиларни илм-маърифатли бўлишга, ҳалол меҳнат қилишга ва касб-хунар эгаллашга чақириб, ислом мафкурасининг мутлоқ ҳукмронлиги шароитида инсон шахсининг ижодий ва бунёдкорлик кучини ва унинг камолатини, қадр-қимматини ғоят улуғлайди. Инсоннинг пайдо бўлиши ва унинг мавжудлиги, камолатига, илм-маърифатга ва касб-хунарга эришуви ҳеч қандай илоҳий куч томонидан белгиланмайди, балки инсон ўз тақдирини ақл ва меҳнати, яъни ижодкорлик қобилияти орқали ўзи яратади.

Фаробий ўз ижтимоий вазифасини бажариши учун унга, биринчидан, кундалик ҳаётида одамлар билан мулоқатда бўлиш зарурлигини,

иккинчидан, эса у меҳнат ва касб-хунар кўникмаларини ва ахлоқий фазилатларни эгаллаши лозимлигини таъкидлайди¹. Фаробий касб-хунар ахлининг ахлоқий фазилатлари тўғрисида фикр юритар экан, касб-хунарни эгаллаш ва камолатга эришишга ўз ихтиёрича ҳавас билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари ва ҳақиқий санъат эгаларидир, улар амалий иш билан шуғулланувчи, касб-хунарга берилган кишилардир дейди. Мутафаккир инсон фақат ўзининг эҳтиёжи бўлган ва ҳар бир киши ўзи ёқтирган касбни эгаллагандан сўнг ўзига топширилган ишга нисбатан юксак масъулиятни ҳис этиши ва ўз касб-хунарини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи керак деб таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиғ» асарида шаҳар ва қишлоқ ҳалқини ижтимоий табақаларга ажратиб, дехқонлар, ҳунармандлар, чорвадорлар, олимлар, табиблар ва бошқалар ҳақида сўзлаб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтади. Турли касблар, айниқса, дехқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачиликка оид фикрлар баён этилади. У дехқон, ҳунарманд ва чорвадорларни жамиятнинг моддий бойликларини яратувчи кишилар сифатида таърифлайди. Масалан, аллома дехқонлар ҳақида: ...Қалуғ тебранурка булардан асўғ, Тузук тэгир йэ ичимдан татўғ... (Ҳамма қимирлаган жонга булардан манфаат (бўлади), Ҳаммасига ейим (ва) ичимдан ҳаловат етади)², - деб, дехқонлар меҳнатини улуғлаш билан бирга, ҳунарманлар ҳақида ҳам «жуда зарур кишилардир ...темирчи, тикувчи, этиқдўз, сувчи, эгарчи, тошчи, ўқчи, камончиларнинг фойдаси катта. Уларни санай бериб сўзим узайиб кетди. ...Бу дунёга улар яхшилик келтирадилар, Улар жуда кўп ажойиб нарсаларни ишлайдилар», - деб, ўзининг хайриҳоҳлигини баён этади ва ҳукмрон доираларга меҳнаткашлар билан муносабатда бўлиш шартлари хусусида ўз тавсияларини баён қиласи. Юсуф Ҳос Ҳожибнинг меҳнат аҳли ҳақидаги бу фикрлари, ҳақиқатан ҳам, уларга

¹ Ҳикматлар гулдастаси. Тошкент. Фофур Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти, 1952 й. Б. – 53

² Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиғ (Саодатга элтувчи билим) – Т., Фан, 1971. Б. – 659.

нисбатан хурмат ва эҳтиромни англатади. Юсуф Хос Ҳожибнинг меҳнат тарбиясига оид прогрессив қарашлари тарбиявий жиҳатдан диққатга сазовордир.

Ўрта асрларнинг йирик мутафаккири Алишер Навоийнинг меҳнаткаш инсонни улуғловчи, меҳнат тарбияси ҳақидаги фикрлари «Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Махбуб-ул қулуб» асарларида ҳам мавжуд. Алишер Навоий ҳақиқий инсон учун энг яхши фазилатлардан бири меҳнатсеварлик, деб кўрсатади. У «Ҳайратул аброр»нинг бешинчи мақолотида кишиларнинг саҳоватига кўз тикишдан кўра, ўз қўли билан ҳаёт кечириш улуғроқ ва олийжаноброқ эканлигини «Ҳотам Тойи»³ ҳикоятида келтиради. Ҳотам Тойи бир куни қўй-қўзилар сўйдириб, ҳалққа катта зиёфат беради. Сўнг бироз дам олиш учун далага чиқади. Унга елкасида ўтин кўтариб келаётган бир чол учрайди. Ҳотам Тойи унга «Даштда юриб бехабар қолгандирсан, ташла бу оғир юкни, Ҳотам уйига бориб зиёфатида иззат кўргил», - дейди. Шунда чол кулиб: «Эй, оёғига ҳирс банд солган, ғайрат водийсига қадам урмаган киши, сен ҳам бу тикан меҳнатини чеккин ва Ҳотамнинг миннатидан қутулгин», - деб жавоб қиласиди. Ҳотам Тойи чоннинг бу сўзларига тан беради ва ҳалол меҳнат билан кун кечириши унинг ҳимматидан баланд эканлигини англайди.

Алишер Навоий меҳнат инсонни гўзаллаштиришини, меҳнат туфайлигина инсон камол топиши мумкинлигини таъкидлайди. Шу мақсадда ўз асраларида кўплаб меҳнатсевар бадиий образларни яратади. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонининг асосий қаҳрамони Фарҳод ана шундай қаҳрамонлар жумласидандир. Фарҳод Арманистон ўлкасига қадам қўйганда, ўз юртида ўрганган тош йўниш хунарини ишлатиб, оғир меҳнатдан эзилган ҳалққа ёрдам беради. Ўз хунари, меҳнати туфайли бир томондан ҳалқнинг оғир меҳнатини енгиллаштирган бўлса, иккинчи томондан севгилиси Шириннинг ҳурматига сазовор бўлади. Фарҳоднинг меҳнатсевар ва ижодкорлигидан илҳомланган Алишер Навоий ўз достонининг иккинчи

³ Алишер Навоий. Ҳамса. –Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги нашриёт, Б. – 70-71.

номини «Меҳмоннома» деб атайди. Меҳнатга муҳаббат, ижодкорлик достоннинг марказий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

А. Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарида эса турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётдаги ўрнини белгилайди, фазилат ва нуқсонларини кўрсатади. Дехқонлар тўғрисида фикр юритар экан, «Дехқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. ...Оlam маъмурлиги алардин ва олам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаёнки, қилсалар ҳаракот, элга ҳам кут еткуур, ҳам баракот»⁴, - деб дехқонларни, яъни, меҳнаткаш инсонни улуғлайди. Шу билан бирга шоир бу асарида текинхўрларни, ножӯя иш тутувчи кишиларни, очкўз ва таъмагирларни, меҳнат қилмай ҳаёт кечиравчи шахсларни танқид қиласди.

Буюк мутафаккир ва олим Абдурахмон Жомий ўз асарларида касб-хунар ва илм ўрганишга ёшлиқдан киришиб, ёшлиқ куч-ғайратини ана шунга сарф этиш кераклигини таъкидлайди.

Жомий билим ва касб-хунарни эгалламай, ўзининг насли насаби билан мақтаниб юрган ёшларни қаттиқ танқид қиласди. Унинг фикрича, бундай ёшлар бирор ижобий фазилатга эга эмас, ҳосил бермайдиган мевасиз дарахтга ўхшайдилар, бундай одамларнинг жамиятга нафи тегмаслигини қуидаги мисраларда келтиради: Қайси фарзанд фазлу хунарсиз бўлиб, Отадан лоф урса, одамдан йироқ. Мевали дарахтнинг мевасиз шохи, Ўтиндан бошқага ярамас мутлоқ⁵. Жомий касб-хунар эгаллашни ва у билан шуғулланишни ҳар қандай бойликдан афзал кўради, ёшларни касб-хунар эгаллашга даъват қиласди ҳамда уни қуидаги мисраларда ифодалайди: Одамнинг қиймати эмас симу зар, Одамнинг қиймати билбм ва хунар. Шу ўринда касб-хунар ўрганишнинг инсон ҳаётида нақадар муҳим эканлиги тўғрисидаги фикрларни қуидаги тўртлик орқали яқунлашни мақсадга мувофиқ деб билдик: Хунар ўрган, чунки хунарда кўп сир, Ҳунарсиз кишининг аҳволи дилгир, Ҳунар эса сенга доимий ҳамроҳ, Ёпиқ эшикларни

⁴ Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент, F.Гулом номидаги нашриёт, 1977, Б. – 29-30.

⁵ Абдурахмон Жомий. Танланган асарлари, Фофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971 й.

очар бирма-бир. Хулоса қилиб айтганда, шарқ мутафаккирларининг биз кўриб чиқкан вакилларининг шеъриятида ҳам меҳнатга, илму-хунарга муҳабbat ва ижодкорлик ғоялари юксак маҳорат билан ифодаланади ҳамда инсонни ёшлик чоғиданоқ меҳнатга ва бирон-бир касб-хунарга ўргатишга катта эътибор қаратилади.

Юқорида шарқ мутафаккирларининг фарзанд тарбиясида меҳнатнинг аҳамияти ҳақида юқорида қисқача билғанларимизни баён этилди. Бугунги кунда ёшларни оиласда маънан етук, жисмонан баркамол бўлиши учун, аввало, ўзимиз меҳнатсевар бўлишимиз, оиласдаги катта ёшдаги инсонлар уларга ўрнак бўлмогимиз лозим. Аввало ўзимиз маълум бир касб ёки хунар эгаси бўлишимиз зарур. Зеро, бирон бир хунарнинг эгаси булиш ҳам даромад келтиради, фарзандларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шунингдек, уларнинг асраларида инсоннинг касбу-кори билан унинг ахлоқий хислатлари ўртасида чамбарчас алоқадорлик борлиги, ахлоқий онгнинг шаклланиши учун табиий соҳа бўлмиш меҳнат фаолиятининг роли ҳақидаги масалалар ҳам ғоят муҳим бир тарзда ва янгича ифодаланган.

Бу эса бугунги кун ёшларини, айниқса ўқувчи-талаба ёшларни меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш ва бирор-бир касбни пухта эгаллашида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент, F. Ғулом номидаги нашриёт, 1977
2. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиғ (Саодатга элтувчи билим) – Тошкент, Фан, 1971.
3. Ҳикматлар гулдастаси. Тошкент. Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти, 1952 й.
4. Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлари, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971 й.

5. Шомухамедов Ш. Ҳазиналар жилоси, Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти, 1981 й.
6. Ҳасанов С. Мутафаккирлар меңнат тарбияси ҳақида Тошкент, Ўқитувчи, 1993й., 144 б.